технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

Ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, корхонани хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;



Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси ДАЛОЛАТНОМАСИ**

***Изоҳ;*** ***Ҳар-бир эл.хисоблагичга алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади***

*Хисоблагич№*__________*т/ток*_____*кучланиш*_____*коэффициент*__________*уланган қуввати*______*квт*
***Хисоблагичдан уланган манзил;***________________________________________
*шаҳар,хфй,мфй,куча уй№*

1. Тариф гуруҳи ______ Фаолият тури ______________________________
*Труба ишл.чик,Шлакоблок,Гишт,Пленка ишл.чик,Акфа цехи,Насос,Савдо,Кафе.,Ошхона,Устахона ва...???*

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:
**а) хаво линиялари** ______________________________
______________________________

**б) кабель линиялари** ______________________________
______________________________

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП №_____ , ________кВА
______________________________

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси ______________________________
______________________________

3. Улардан қуйидагиларга:
а) ______________________________
______________________ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) ______________________________

Истеъмолчи билан тузилган ***"техник хизмат кўрсатиш" №______сана________й. шартномаси*** асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.***"Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмаса Т(Ш)ЭТК томонидан хизмат кўрсатилмайди"***

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: ______________________________
______________________________

**Вакиллар:**

**Истеъмолчи** ____________ (имзо) ____________ (Ф.И.Ш.)
М.Ў.

**Корхона** ____________ (имзо) ____________ (Ф.И.Ш.)
М.Ў.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI "NAMANGAN HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI" AKSIYADORLIK JAMIYATI ... UCHQO'RG'ON TUMAN ELEKTR TA'MINOTI KORXONASI